

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Навоий давлат кончилик институти

“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси

“Иқтисодиёт ва менежмент” фанидан

РЕФЕРАТИ

Мавзу: **КОРХОНА-МУСТАҚИЛ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ
БОЗОР СУБЪЕКТИ**

Талаба: Ибрагимов Ф.

Қабул қилди: Рашидов М.К..

КОРХОНА-МУСТАҚИЛ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ БОЗОР СУБЪЕКТИ

Режа:

1. Корхонанинг бозор иқтисодиётининг хўжалик субъекти тарзидаги мақсади ва вазифалари.
2. Корхонани бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Корхонани ташкил этиш тамойиллари ва тартиб-қоидалари.

Кириш

Корхонанинг асосий мақсадини икки йўналишдан иборат эканлигини таъкидлаш зарур. Биринчиси фойда Инсон эҳтиёжларини қондириш учун ўз тараққиётининг қандайдир тарихий босқичида эҳтиёжни қондирувчи ресурсларни ишлаб чиқарувчи, яратувчи, ўз фаолияти доирасида ер, капитал, меҳнат, тадбиркорлик, талант ва бошқа воситалардан фойдаланувчи ва уларни яратувчи корхоналарни ташкил қилган.


Ҳақиқатда олганда корхона товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаради, уларни ташиш, сақлаш, сотиш каби иш ва хизматларни амалга оширади, ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.

Корхона инсониятни эҳтиёжларини қондириш учун вужудга келган жамиятнинг бирламчи ва асосий бўғинидир.

Корхонанинг, моҳияти ҳам юқоридагилардан келиб чиқади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ишлатиладиган ресурсларни турлари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар жиҳатларига қараб тармоқларга бўлинади. Масалан: оғир саноат, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, савдо, ҳар хил хизмат кўрсатиш тармоқлари қабилар. Тармоқлар эса корхоналар ва уларни бирлашмаларини ўз ичига олади.

1. Корхонанинг бозор иқтисодиётининг хўжалик субъекти мақсади ва вазифалари



Ушбу мақсадларга эришиш корхонадан бир қатор бошқа мақсадларни амалга оширишини талаб қилади. Улар қаторига *техник, ижтимоий ва экологик мақсадлар*ни киритиш мумкин. Талабга ва стандартга жавоб берадиган маҳсулот яратиш ҳамда ишлаб чиқариш ва техник ривожланиш программаларини амалга ошириш учун техник мақсадлар қўйилади. Уларга энг аввало товар ёки маҳсулотни яратиш ва тайёрлаш, уларнинг сифат кўрсаткичларини стандартга мослаш, ишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаш ва ривожлантириш ва ҳоказолар қиради.

Ишчи-ходимлар, уларнинг оиласи ва жамият тамойилларидан келиб чиқиб, корхонанинг олдида ижтимоий мақсадлар қўйилади.

Табиат ва жамиятни муҳофазасини таъминлаш ҳар хил кўринишдаги офатларни (ёнилғи, сув тошқини, ер қимирлаши ва ҳ.к.) олдини олиш учун тегишли экологик мақсадлар амалга оширилади.

Корхона юқорида келтирилган мақсадларга эришиш учун бир қатор *вазифалар*ни бажариши керак. Булар қаторида қуйидаги асосийларини кўрсатиб ўтамыз. *Бошқарув вазифаси, техник-технологик, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар, хўжалик алоқалаир, давлат билан муносабатлар, информацион таъминот, моддий-техник таъминот, ишчи кучи таъминоти, ижтимоий, экологик ва ҳоказо вазифалар.*

Саноат корхоналари халқ хўжалигининг барча тармоқларини илғор, замонавий техника билан қуроллантиради. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа соҳаларнинг техник-иқтисодий даражаси айнан саноатнинг ривожланиш даражасига боғлиқдир. Саноат тармоғининг янада ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг кучайишида муҳим омил ҳисобланади. Саноат корхоналари ишлаб чиқариш воситалари билан бир қаторда халқ истеъмоли буюмларини ҳам ишлаб чиқаради ва аҳоли турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхоналар фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- бозорни ҳар тамонлама ўрганиш асосида мавжуд маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган ва келажакда пайдо бўладиган талабни аниқлаш ва ўз истиқболини белгилаш;
- маҳсулотларни реклама қилиш, ўраш, турли техник хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;
- маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг янги турларини ва моделларини яратиш нуқтаи назаридан илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш;
- истеъмолчилар талабига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқишни ташкил қилиш;
- ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш, режалаштириш, дастурлаш ва молиялаштириш;
- маҳсулотларни сотиш тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш;
- корхона бошқарувини такомиллаштириш ва бошқалар.

Бозор тизимида иқтисодий субъектларнинг бир-бири билан олди-сотди муносабатларининг предметларини келтирамиз (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Бозор субъектларининг олди-сотди предметлари

Бозор субъектлари	Сотиш предметлари	Сотиб оладиган предметлари
I. Давлат	Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, уй-жой, лицен-зия, давлат ташкилот-лари ва муассаларининг хизматлари	Давлат ва жамиятга зарур бўлган товарлар (давлат бошқарув органлари, муҳофаага ва ҳоказолар), ишчи кучи, жиҳозлар, фан-техника ютуқлари ва бошқалар
II. Корхона	Товарлар, хизматлар, ўзига тегишли моддий неъматлар, интеллектуал мулк	Ер, табиий бойликлар, моддий ресурслар, ишчи кучи, товарлар, хизматлар, қимматбаҳо қоғоз-лар ва ҳоказолар.
III. Уй хўжалиги	Ишчи кучи (меҳнат), ўзига тегишли моддий неъматлар, товарлар, хизматлар	Истеъмол товарлари, хиз-матлар, моддий неъматлар

Ташкилий иқтисодий нуқтаи назардан қараганда **корхона** - моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар мажмуасидан иборат бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти асосида ташкил қилиниб, маҳсулот ишлаб чиқиш, бирон бир иш ёки хизматни аҳолининг, бозорнинг талабларини қондириш ва фойда олиш мақсадида ёки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган функциясини бажаришдир. Шундай қилиб корхона хўжалик субъекти бўлиб, унинг мақсад ва вазифалари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан келиб чиқади.

Корхона тушунчасининг муҳим тамонларидан бири, фаолиятидаги барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш ҳукукига эгалик қилади, ўз ҳаракатларига жавобгар ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан корхона жамиятнинг мустақил хўжалик субъекти сифатида намоён бўлади.

Корхона тушунчасининг ҳукукий мақоми мавжуд бўлиб, у албатта ҳукукий шахс бўлиши шарт. Ҳукукий шахс сифатида корхонага “Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг биринчи моддасида қуйидагича таъриф берилган: “Ҳукукий шахс ҳукукига эга бўлган, мулкчилик ҳукуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳукуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айрибошлайдиган ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ, ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект корхона ҳисобланади”.

Корхона ҳукукий шахс мақомига эга бўлиш учун қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

биринчидан, фаолият юритиш ёки бошқариш учун биринчидан, мол-мулкка эга бўлиши;

иккинчидан, мажбуриятларига мол-мулки билан жавоб бериш;

учинчидан, мулкни сотиш, сотиб олиш;

тўртинчидан, мулк ва шахсий номулк ҳуқуқларни амалга ошириш;

бешинчидан, судда жавобгар ва талабгар бўлиши мумкинлиги;

олтинчидан, мустақил хўжалик балансига эга бўлиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхонага қуйидагича таъриф бериш назарий ва амалий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Корхона - жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланувчи, аҳолининг талабини қондириш ва фойда олиш ёки бошқа ижтимоий функцияларни бажариш мақсадида, хусусий ресурслардан фойдаланиш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, айрибошлайдиган, ҳамда бошқа ишларни ва хизматларни бажарадиган, фаолияти бўйича қарорлар қабул қиладиган ва унга жавобгар, ҳукукий шахс мақомига эга бўлган, ҳар хил масштабдаги хўжалик юритувчи субъектдир.

Корхоналар мулк шаклларига асосланган ҳолда ташкилий-ҳукукий шаклларга турланади. “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунига биноан (4 модда) мулк қуйидаги шаклларда юзага чиқади:

- фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки;
- жамоа (ширкат) мулки, шу жумладан оилавий маҳалла, кооператив мулк, ижарага олинган корхона мулки, акционерлар жамияти, давлат корхонаси коллективининг, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, концерн (консарциум)ларнинг мулки, юридик шахс ҳисобланган бошқа жамоалар мулки;
- Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, маъмурий-территориал тузилмалар (комунал) мулкдан иборат давлат мулки;
- аралаш мулк;
- қўшма корхоналар, ажнабий фуқаролар, ташкилотлар ва давлат, шунингдек ажнабий юридик шахслар мулки.

Мулк шаклларига муносиб корхоналар қуйидагича шаклларга таснифланиши мумкин:

- шахсий ёки хусусий мулкга асосланган хусусий корхоналар;
- жамоат мулкка асосланган корхоналар;
- давлат мулкка асосланган корхоналар;
- аралаш мулкга асосланган қўшма корхоналар;
- хорижий давлатлар, ажнабий фуқаролар мулкка асосланган корхоналар.

Соҳаларга қараб корхоналарни қуйидаги шаклларга ажратиш мумкин: моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги; транспорт; қурилиш; алоқа; муомала; хизмат; таълим; инфратузилма (инфратузулма); бошқарув соҳаларидаги ҳамда жамоат жамиятлари ва диний ташкилотлар корхоналарига.

Корхоналар юқорида келтирилган шаклларига яъни мулк шаклига ва соҳаларига мос ҳолда ва алоҳида белгиларига қараб турларга таснифланади.

Ишлаб чиқариш масштаби (ҳажми)га қараб кичик, ўрта ва йирик корхоналарга турланади.

Бу корхоналарга асосан ишчиларнинг сонига қараб ҳам тоифаларга (микрофирма, кичик ва йирик корхоналарга) ажратилади.

2. Корхонани бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари

Бошқарув жамият муносабатларининг муҳим кўрсаткичи сифатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларига тегишлидир. У инсоннинг жамиятдаги моҳияти, меҳнати тақсимоти, кооперация ва муомала зарурати, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатлардан келиб чиқади.

Бошқарув - ижтимоий меҳнат жараёнига ишлаб чиқариш ривожланишининг объектив қонунлари асосида йўналтирилган тарзда таъсир ўтказиш тизими, ҳар бир ишчининг ва бутун жамоанинг меҳнатини бир вақтнинг ўзида назорат қилиш, мотивация ва тартибга солиш усулидир.

Бошқарув тизими деганда нимани тушуниш лозим? Агар жамиятнинг бутун иқтисодий тизимини оладиган бўлсак, унинг таркибига кирувчи кўплаб кичик тизимларни - тармоқлар, корхоналар, бирлашмалар ва ҳоказоларни кўришимиз мумкин. Уларнинг ҳар бирини икки жиҳатидан: мустақил фаолият юритиш нуқтаи назаридан ёки бутун бирликнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, корхона (фирма) мустақил бошқарув тизими ёки тармоқнинг (ишлаб чиқаришнинг) бўлинмаси, бўғини сифатида фаолият юритиши мумкин. Бунга боғлиқ бўлган ҳолда бошқарувнинг ташкилий тузилмаси, унинг вазифалари ва функциялари шакллантирилади

Ўзаро алоқада ва маълум жиҳатдан бир-бирига бўйсинувчи бўлган бошқарув **объектлари** ва **субъектлари** фаолиятнинг алоҳида кўриниши сифатида бошқарувнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Бу алоқани қуйидаги тарзда чизма ёрдамида кўрсатиш мумкин:



1.1.-чизма. Бошқарув объекти ва субъектининг ўзаро алоқаси.

Корхонада бошқарувнинг таъсири **бошқарув объектига** йўналтирилган бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари, ишлаб чиқариш ускуналарини эксплуатация қилиш, турли миқёсдаги меҳнат кооперацияси ва ҳоказолар **бошқарув объекти** бўлиши мумкин. **Бошқарув субъекти** эса қоидага кўра, **корхона раҳбари** ёки бошқарув объектларини мақсадли равишда бошқаришни амалга оширувчи **хизмат раҳбарларидир**. Агар юқорида келтирилган мисолга қайтадиган бўлсак, оркестр, бу – бошқарув объекти, дирижер эса, бошқарув субъектидир.

Бошқарув объектлари ва субъектлари доимо ўзаро алоқада бўлиб, бунда асосий ўрин бошқарув объектига, яъни бошқарувчи тизимга ажратилади. Бошқарув объектининг

мазмуни, унда юз бераётган ўзгаришлар бошқарув субъекти вазифалари ва ҳаракатларини белгилаб беради. Бу эса бошқарув шакллари ва усулларини мукамаллаштиришда акс этади.

Корхонанинг *нима, қачон, қаерда, кимга ишлаб чиқариш* билан боғлиқ бўлган сиёсати, биринчи ўринда бошқарув субъекти томонидан ҳал қилинади. Шу сабабли, бошқарув объектлари ва субъектлари орасидаги алоқа, жумладан, уларнинг ички ташкил қилиниши қанчалик мустаҳкам бўлса, бир хил шароитларда ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув тизимининг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Бошқарув фаолияти - бошқарувчи шахс ёки орган томонидан бошқарув амалларини бевосита ва билвосита командалар (буйруқ, тавсия ва кўрсатмалар) шаклида ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир.

Бошқарув фаолияти таркибига жамоатчилик ташкилотларидаги фаолият, иш жойларида ижодий ташаббускорликнинг юзага келиши ҳамда ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг таклиф ва маслаҳатларини ҳам киритиш мумкин. Бу эса бошқарув фаолиятини, **бевосита бошқарув** (корхона бошқарув аппаратининг фаолияти) ва **ўзини-ўзи бошқариш** (бошқарув фаолиятининг жамоатчилик шакли) турларига ажратилган ҳолда таснифлаш имконини яратади. Фаолиятнинг иккала тури ҳам амалда биргаликда юритилиб, уларнинг ўзаро алоқалари ишлаб чиқаришни бошқаришнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришнинг, жумладан, бошқарув фаолиятининг ўзининг самарадорлигини оширишда, ишлаб чиқаришнинг аллоҳида элементлари ва бўғинлари ўртасида юзага келувчи **бошқарув муносабатлари** муҳим ўрин эгаллайди.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида бошқарув тизими биринчи ўринда корхонанинг барқарорлигини таъминлаши, хўжалик таваккалчилигини камайтириши, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга кўмаклашиши зарур. Шунингдек, у ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасига қизиқиш даражаси ортишига, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

Корхона ёпиқ тизим бўлмаганлиги сабабли, бошқарув тизимига корхонада юзага келувчи ички муҳитдан ташқари, ташқи муҳит, аввало, аҳолининг турмуш тарзи, жамият қурилмаси, давлат сиёсати ва ҳоказолар таъсир кўрсатиши мумкин. Умуман олганда, бошқарув циклини - мақсад ва вазифаларни белгилашдан то натижаларга эришишгача қуйидаги чизма шаклида кўрсатиш мумкин (1.2.-расм)



1.2.-чизма. Бошқарув цикли

Корхонани бошқаришнинг самарадорлиги, мақсадларни шакллантириш ва амалга оширишга қанчалик кам вақт сарфланса, шунчалик юқори бўлади. Бунга корхона раҳбари

(менеджери) ва бошқарув функцияларини бажаришга масъул бўлган бошқа шахсларнинг тажрибаси ва малакасидан ташқари, бошқарув амалиёти ва иш тартибига сарфланувчи вақтнинг қисқартирилиши, бошқарув жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишни оқилона ташкил қилиш бўйича ташкилий-техникавий чора-тадбирлар мажмуасини қўллаш ҳисобига эришилади.

Замонавий фан ва менеджмент амалиёти корхоналарни бошқаришнинг қуйидаги тамойилларини энг асосийлари сифатида қабул қилади:

- 1) илмийлик;
- 2) тизимлилик ва комплекслик;
- 3) яқка бошқарув ва коллегиялик;
- 4) тартиб ва адолат;
- 5) ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- 6) тежамкорлик ва самарадорлик;
- 7) ташаббускорлик ва корпоратив руҳият;
- 8) ваколат ва мажбурият.

3. Корхонани ташкил этиш тамойиллари ва тартиб-қоидалари

Иқтисодийнинг жадал ривожланиши ва ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши фаолият юритаётган корхоналардан ташқари, янги корхоналарни ташкил қилиш ва ишга туширишга таянади. Бундай қадам иқтисодий жиҳатдан мақбулликка, ресурслар имконияти ва корхона маҳсулотларига бўлган талабга асосланади. Бирон-бир маҳсулотнинг тақчиллиги ёки умуман йўқ бўлиши ҳам, янги корхона ёки ишлаб чиқаришни ташкил қилишга сабаб бўлиши мумкин.

Янги корхонани ташкил қилиш қуйидаги ташкилий тамойиллар асосида амалга оширилади:

- корхонани ташкил қилиш фикрининг пайдо бўлиши;
- корхона муассисларини танлаш;
- таклиф қилинаётган маҳсулотга бозордаги талабни ўрганиш;
- корхона Низом жамғармасини тузиш учун молия манбаларини аниқлаш;
- корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режасини тайёрлаш;
- давлат рўйхатидан ўтиш;
- муҳр, штамп ва бошқа реквизитларни тайёрлаш;
- солиқ идораларида рўйхатдан ўтиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”ги қонунига асосан, корхоналар мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) тайинлаган вакиллик органи, меҳнат жамоаи ёки муассислар гуруҳининг қарори бўйича белгиланган қонун-қоидаларга асосан ташкил қилиниши мумкин.

Шунингдек, корхоналар агар корхона мулки эгаси ёки у тайинлаган вакиллик органининг розилиги бўлса, фаолият юритаётган корхона таркибидан бир ёки бир нечта таркибий бўлинмаларни, ушбу бўлинмаларнинг меҳнат жамоалари ташаббусига кўра, ажратиб чиқариш натижасида ҳам ташкил топиши мумкин.

Корхона жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ва улар тўғрисидаги ҳолатларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган, мустақил ҳуқуқий шахс мақомидаги шўъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар, бўлим ва бошқа ташкилий бўлинмаларни ташкил қилиши мумкин.

Корхонани барпо этилиши ўзига хос ташкилий босқичлардан иборат бўлади.

Корхонани тузилиши уни яратиш тўғрисида туғилган ғояни асослашдан бошланади ва қуйидаги кетма-кетликда келтирилган ишлар бажарилади:

- корхонани таъсис этувчилари аниқланади, уларни шартномаси тузилади;
- ишлаб чиқарадиган маҳсулот ёки хизмат турини белгилаш;

- корхонанинг молиявий ресурслари манбаларини аниқлаш;
- корхонанинг Устав ва Низомини расмийлаштириш;
- корхонани бизнес-режасини ишлаб чиқиш;
- корхона муҳири, штамп ва бошқа реквизитларини тайёрлаш;
- корхонани солиқ органидан рўйхатдан ўтказиш;
- банкда ҳисоб рақамини очиш, банк билан шартнома тузиш;
- корхоналар ажратмалар ўтказиши мажбур бўлган, Республикада мавжуд мақсадли жамғармаларда ҳисобга қўйилиши;
- корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш ва рўйхатдан ўтганлик тўғрисида ҳужжат олиш.

Корхоналарни ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг умумий ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида”, “Кооперация тўғрисида”, “Тадбиркорлик тўғрисида”, “Ижара тўғрисида”, “Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида”, “Тадбиркорликни кучайтириш ва рағбатлантириш тўғрисида”, “Ер тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар, ҳамда “Ўзбекистон Республикасида кичик корхоналар тўғрисидаги Низом”, “Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида Низом”, “Чет эл инвестициялари, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш ва бу корхоналарнинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги Низом, “Холдинглар ҳақидаги Низом”, “Молия-саноат гуруҳлари ҳақидаги Низом”лар ва бошқа қонун ҳужжатлар билан белгиланган.

Янги корхоналарни ташкил қилишнинг асосий мақсадлари, биринчидан, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кишиларнинг иш жойлари билан таъминлаш, яъни жамиятнинг ижтимоий муаммосини ҳал қилиш; иккинчидан, сиёсий масалани ҳал қилиш бу эса қишлоқ жойларда миллий ишчилар синфи вужудга келтиришда ўз аксини топади; ва ниҳоят учинчидан, иқтисодий масалаларни ечиш, халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни танқислигини камайтириш асосида аҳолининг моддий фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Корхонани барпо этиш ҳужжатларидан бири уни *таъсис шартномаси* ҳисобланади. Бу ҳужжат ўз мазмунидан келиб чиқиб, келажакда корхонани ташкил этувчиларнинг ўзаро муносабатларининг қоидаларини белгилайди. Таъсис этиш шартномасида корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, тури, фаолияти тури, мақсад ва вазифалари, жойлашиш ва ҳуқуқий адреси, устав капитали ҳажми ва унда таъсисчилар ҳиссаси, қатнашувчиларнинг ўз ҳиссасини бошқаларга бериш шарти, унинг бошқарув ва назорат органлари, фойдани тақсимлаш усул ва тартиблари, таъсисчиларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, таъсисчилар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа масалаларни ҳал қилиш тартибларини белгилайди.

Таъсисчилар корхонани уставини ишлаб чиқади. Корхонанинг устави расмий ҳужжат ҳисобланади. Чунки уставда корхона билан давлат ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиниш қоидалари ўз аксини топади. Устав қонунлар, қоидалар ва Низомларга асосланган ҳолда тузилади. Уставни корхонани таъсис этувчилар тасдиқлайди.

Хулоса

“Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида”ги Қонуннинг 9 моддасида корхона уставида унинг номи, жойлашган манзили, фаолият тури ва мақсадлари, унинг бошқарув ва назорат органи, уларнинг ваколати, корхона мол-мулкни ташкил этиш ва фойдани тақсимлаш тартиби, корхонани қайтадан ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш шартлари белгиланиши кўрсатилган. Уставга корхона фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган. Республикадаги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларга зид бўлмаган ўзга қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

Корхона ўзи жойлашган ердаги маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

Корхона давлат рўйхатидан ўтиш учун маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идорасига юқорида келтирилган корхонани барпо этиш тўғрисидаги ҳужжатларни (ариза, таъсис этиш шартномаси, устави, бизнес режаси ва бошқаларни) тақдим этади. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораси ариза топширилган пайтдан 30 кун муддат ичида корхонани рўйхатдан ўтганлиги ёки ўтмаганлиги тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

Корхона давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб барпо этилган деб ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс мақомини олади. Ушбу кундан бошлаб корхона хўжалик фаолиятини юритишни бошлаши мумкин бўлади.

Назорат саволлари:

1. Корхона нима учун жамиятнинг бирламчи ва асосий бўғини ҳисобланади?
2. Корхонанинг мақсади нима?
3. Корхона қандай вазифалар бажаради?
4. Корхона таърифини асосланг.
5. Корхоналарни шаклларини келтиринг.
6. Корхонани ташкил этиш қоидалари ва тартибини изоҳланг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: ЎзР Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил якунлари ва 2013 йил иқтисодий дастурининг устивор йўналишига бағишланган йиғилишидаги нутқи // ЎЗА, 18.01.2013 й.

2. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш - бизнинг бош мақадимиздир: Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // ЎЗА, 07.12.12 й.

3. Каримов И.А. 2012 йил - Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

4. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: ЎзР Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил якунлари ва 2011 йил вазифаларига бағишланган йиғилишидаги нутқи // ЎЗАА, 22.01.11й.

5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: ЎзР Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // ЎЗАА, 12.11.10й.

7. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир: Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // ЎЗАА, 07.12.10й.

9. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.

9. Гулямов С.С. Основы современного менеджмента. –Т., 1997.

10. Зайнутдинов Ш., Муракаев И. и др. Основы менеджмента. - Тошкент: Укитувчи, 1996.
11. Муракаев И.У., Саифназаров И.С. Менеджмент асослари. -Тошкент: Фан, 1998.
10. Шарифхужаев М., Абдуллаев Ё. Менеджмент: Дарслик. –Т: Ўқитувчи, 2001.
12. Ишмухамедов А.Э. Қосимова М.С. ва б. Лойиҳа таҳлили. -Т: Ўзбе- кистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2004.
13. Махмудов Э.Ҳ. Корхона иқтисодиёти. -Т: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси, 2004 .
14. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. -Т: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2004.
15. Тошнӣёзов М.И. ва бошқалар. Машинасозлик корхоналари иқтисодиёти, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уюштириш бўйича амалий машғулотлар. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
16. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менеджмент: 100 савол ва 100 жавоб . –Т.: Меҳнат, 2000.
17. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. -Т: 2008-2013 йй. сонлари.
18. “Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнали. -Т: 2008-2013 йй. сонлари.

Қўшимча адабиётлар:

1. Алимходжаев С.Р. Эффективность развития горно-металлургического комплекса Узбекистана. –Т.: ТГТУ, 2004.
2. Лузин Б.Г. Экономические проблемы золотодобывающей промышленности. -М: МГГУ, 1997.
3. Шеметов П.А., Сытенков В.Н. и др. Формирование условий устойчивого развития Кызылкумского региона. –Т: Iqtisod-moliya, 2010.
4. Улашев И.О. Разработка управленческих решений: Учебное пособие. –Т.: Moliya-iqtisod, 2007.
4. Интернет сайтлари:
 - www.gov.uz – Ўзбекистон ҳукумати портали,
 - www.uza.uz – Ўзбекистон ахборот агентлиги,
 - www.ziynet.uz – Ўзбекистон таълим портали,
 - www.ecsoman.edu.ru - Россия Федерация олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув-услугий комплекслар;
 - <http://sunny.ccas.ru/library.html> – Жаҳон кутубхоналари сервери;
 - www.cfin.ru - жамоавий (корпоратив) менежмент;
 - www.salesmanagment.ru – сотувни бошқариш;
 - www.gaap.ru - Халқаро стандартлар;
 - www.nkmk-bilim.uz – Навоий КМК илмий-таълим портали.

